

**МАВЗУ: “ҲОМИЛАДОРЛАРНИ ОММАВИЙ ПРЕНАТАЛ УТТ
СКРИНИНГ ТЕКШИ-РУВИГА (ЎР ССВ 40 “А” БУЙРУҒИ (.07 .17. 2018))
ЙЎЛЛАНМА КЕРАК-МИ?”.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ШАҲАР ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ*

*Кўп тармоқли марказий поликлиникаси ҳомиладор аёллар пренатал
ультратовуш текшируви врачлари*

Юсунов Ҳамза Сафарович ва Фозилова Нигора Собиржоновна.

Тошкент давлат стаматология институти талабаси

Мухаммадиева Камола Дилшод қизи

ТЕМА: Направление массовый обследование пренатальной УТТ беременности (пр МЗ РУ №40 «А» от .07 .17. 2018года) нужен или нет.

SUBJECT: "Referral of pregnant women to mass prenatal UTT screening according to the order of the O'R SSV 40 "A" (.07.17. 2018)".

Аннотация: Ҳозирги вақтда ҳомиладорларни оммавий пренатал скрининг текшируви (УТТ ва ирсий тестга) учун берилаётган йўлланма бланкасида баъзи маълумотлар камлиги сабабли тўлдирилишига тавсия этамиз. Ушбу йўлланмага ҳомила ривожланиш нуқсонига олиб келувчи барча омиллар, касалликларни киритишни тавсия этамиз.

Мақсад: Ушбу йўлланма намунасини таклиф этишдан мақсад ҳомиладор бўш вақтида ўқиб, ҳомиладорликга салбий таъсир этиши мумкин бўлган барча омиллардан огоҳлантириш режалаштирилган, шунингдек туғма ирсий касалликларни эрта аниқлашдир.

Кутилаётган натижа: Ҳомиладаги туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш. Ҳомиладор ўз хомиласига салбий таъсир этувчи барча омилларни ўз вақтида бартараф этиши кутилмоқда.

Калит сўзлар: УТТ пренатал скрининг текширувига йўлланма, ҳомила туғма ва ирсий касалликларни текширишга йўлланма.

Резюме: В связи с отсутствием некоторой информации мы рекомендуем заполнять форму направления беременным женщинам на массовый пренатальный скрининг (УТТ и генетическое тестирование). Мы рекомендуем включить в это направление все факторы и заболевания, вызывающие пороки развития плода.

Цель: Данное руководство, которое выдается беременной женщине, предназначено для чтения в свободное время и предостерегает от всех факторов,

которые могут негативно повлиять на беременность, а также на раннее выявление врожденных генетических заболеваний.

Ожидаемый результат: раннее выявление врожденных и наследственных заболеваний у плода. Беременной женщине необходимо вовремя устранить все факторы, оказывающие негативное воздействие на плод.

Ключевые слова: направление на пренатальный скрининг УТТ, направление на скрининг врожденных и генетических заболеваний плода.

Abstract: We recommend that the referral form given to pregnant women for mass prenatal screening (UTT and genetic testing) is filled out due to the lack of some information. We recommend including all factors and diseases that cause fetal malformations in this referral.

Purpose: This guide, which is given to the pregnant woman, is intended to be read in her free time and warned against all factors that can negatively affect pregnancy, as well as early detection of congenital genetic diseases.

Expected result: early detection of congenital and hereditary diseases in the fetus. A pregnant woman is expected to eliminate all factors that have a negative effect on her fetus in time.

Key words: UTT prenatal screening referral, fetal congenital and genetic disease screening referral.

Асосий қисм: АҚШ ва Европа ҳомила тиббиёт институти (Fetal Medicine Foundation- FMF (Фонд медицины плода) кўп йиллардан бери пренатал ёки туғруқгача скрининг европа стандарти буйича -туғма ривожланиш аномолиясини баҳолайдиган унверсал клиника - OSCAR (One Stop Clinic for Assessment of Risk for fetal abnormalities - (Унверсальная клиника оценки риска аномалий развития плода) программа бўйича ишлайди.


Программа Astraia. Ҳомиладорликнинг биринчи уч ойида 11 ҳафта 0 кундан 13 ҳафта 6 кунликгача ўтказиш тавсия этилган. 1-скринингдан энг оптимал ўтиш вақти 12 ҳафта оралиғи ҳисобланади. УТТ дан ташқари, шунингдек Бетта ХГЧ- (бетта фракцияли одам хорион гонодотроп гармони ҳомиладорда нормада 05 дан 2.00 МоМ гача бўлади. трисомий: синдрома Дауна (21 хромосомы), синдром Эдвардса (18) и синдрома Патау (13); да микдори ошади), ҳомиладор қон плазмаси А протеин тести (РАРР-А) (нормада 0,5 дан 2,00 МоМ гача бўлади. Синдроме Дауна, Патау и Эдвардса микдори пасаяди), шунингдек ҳомиладорнинг анемезидаги ҳомилага салбий таъсир этувчи генитал ва экстрагенитал касалликлар, ва салбий омилларни ҳисобга олиш лозим. Буларни барчасини битта программага жойлаб ўрганишни Astraia дейилади. Бу программага кўра ҳар бир ҳомилани индивидуал хавфи ўрганилади. Текшириш

хар бир ҳомиладор учун 30 минутни ташкил этади. УТТ, биохимия, анамнез ҳисобга олинган.

(Astraia – software for women’s health (акушерско-гинекологическая база данных) в качестве акушерско-гинекологической информационной системы. astraia – это современная система, разработанная в тесном сотрудничестве с профессором Кипросом Николаидесом (Kypros Nicolaides) и другими всемирно известными специалистами в области гинекологии и пренатальной диагностики. astraia – акушерско-гинекологическая база данных была разработана в соответствии с нашими процедурами управления качеством, которые сертифицированы по стандарту EN ISO 13485 и ISO 13485 CMDCAS. Эти процедуры соответствуют всем юридическим требованиям, предъявляемым к медицинским устройствам, как определено в соответствии с Medical Device Directive (MDD), European Council Directive 93/42/ECC и IVDD European Council Directive 98/79/ECC. Кроме того, система управления рисками была приведена в соответствие с ISO 14971.)

ХУЛОСА: (Astraia – software for women’s health (акушерско-гинекологическая база данных) программаси компютр хотирасига юкланган махсус программа бўлиб, барча ҳомиладорларнинг бу программага кириши чеклангани учун, барча ҳомиладорларга барча салбий омилларни ҳисобга олишлари ҳамда олдини олиш чораларини кўришлари учун тавсия этилиши режалаштирилмоқда.

Ҳомилаларлар пренатал ёки туғриқгача скрининг европа стандарти бўйича - OSCAR (One Stop Clinic for Assessment of Risk for fetal abnormalities) 1-уч ойлик.



Оилавий поликлиника (ОП),
ҚОҢШОП штамини

**ЧИРЧИҚ ш. КЎП ТАРМОҚЛИ МАРКАЗИЙ ПОЛИКЛИНИКАСИ
ПРЕНАТАЛ УТГ СКРИНИНГ ХОНАСИ ТЕКШИРУВИГА ЙЎЛЛАНМА**

Ҳомилдорларни оммавий УТГ пренатолог скрининг текширувдан ўтказишдан мақсад:

- Туғма ва ирсий касалларни эрта аниқлаш;
- Болалик ногиронлини олдини олиш;
- Бўлажак оналар соғлигини сақлаш, соғлом бола туғилишида она билими ва маъсулиятини ошириш.

Ҳомилдорларда АЙНАН шу оралиқда ирсий ва туғма касалликлар УЗД скрининг ва ирсий кон таҳлили тавсия этилади. Ҳомилдор ЙЎЛЛАНМАНИ ўқиб, лозим деб топилган сўз(ларни) остига чизади. Йўлланма хомилдорга ўқитишдан мақсад: врач вақтини тежаш ва врач сўраши ёки хомилдор айтиш лозим бўлган ҳолат(детал)ларни назардан кечириб қолмаслик.

ПАСПОРТ ҚИСМ:

Ҳомилдорнинг Ф.И.Ш: _____ туғилган йили: _____

Яшаш манзили: _____ телефон рақами: _____

Паспорт ёки ID рақами: _____ қаерда ва қачон берилгани _____

ОММВИЙ ПРЕНАТАЛ СКРИНИНГ ТЕКШИРУВИГА ЮБОРИШ ВАҚТИ:

Шу санада хомилдорлик муддати: _____-Ҳомилдорлик, _____-туғруқ, _____-хафта _____ кун.

Охириги хайз биринчи куни: _____, Йўлланма берилган сана : _____

Ҳомилдорларни пренатал скрининг текширувиغا тахминий юбориш санаси(охирги хайз биринчи кунига кўра белгиланади).

-1-скринингта (хомилдорликнинг 11 ҳафта 0 кундан 13 ҳафта 6 кунгача) “ _____ ” _____ 20 _____ боради.

-2-скринингта (хомилдорликнинг 17 ҳафтасидан 20 ҳафтасигача) “ _____ ” _____ 20 _____ боради.

-3-скринингта (хомилдорликнинг 28 ҳафтасидан 32 ҳафтасигача) “ _____ ” _____ 20 _____ боради.

Мақсадли ИЛҚ диагностика – скрининг текширувиغا кўрсатма

(хомилдага салбий таъсир этиши мумкин бўлган омилар)

I. Ижтимоий –биологик:

- ёши: 36 ёшдан катта ёки 18 ёшдан кичик хомилдорлар, 30 ёшда биринчи хомилдорлик;
- соматик кўрсаткич: семизлик (91 кг дан юқори), озғинлик (45 кг дан кам), буйи 150 см дан кам, тор чанок, таз суяги туғма аномалияси(м: туғма сон суяги бошчаси чиқиши), ортирилган таз суяги деформациялари(рахит, таз суяги синиб асоратли битиши, ва бошқа касалликлар.
- 4-5 хомилдорлик, исталмаган хомилдорлик; эгизак(3 ва ундан кўп) хомилдорлик;
- узок йиллик фарзандсизлик (3 йил ва ортиқ)дан кейинги қутилган хомилдорлик;
- хомилдорликлар ораси –интервал 6 ойдан кам ёки 10 йилдан кўп бўлиши;
- қариндошлик никохи мавдудлиги;
- хомилдор ёки эрининг зарарли одатлари: спиртли ичимлик ичиши, чекиш, наркомания;
- зарарли яшаш муҳити: ноқулай яшаш шароити, кўп жисмоний ишлаши, кўп вақт тик туриш ёки узок ўтириб ишлаш, транспортда узок юриш, сакраш, қалтис ҳаракатлар, кам ухлаш...
- хомилдор касб касаллиги: стресс (уқитувчи ва врачлар...), захарли модда, реагентлар билан ишлаши, радиация олиши.(рентген хонасида ишлаш)...
- хомилдорлигини билмасдан ёки ҳаётий кўрсатма сабабли рентген текширув ўтганлиги;
- хомилдорлигини билмасдан ёки ҳаётий кўрсатма сабабли турли дори ичганлиги;
- хомилдорлик даврида тан жароҳати олганлиги(шунгдек автохалокатга учраган);
- оилавий аҳволи: эридан ажраган, эри ўлган, фақат хомилдорлик учун никохланган;
- моддий таъминланиши: кам ёки каллориясиз овқатланиш, кам дам олиши;
- гирсутизм (соқол,муйллов ва бошқа жойларда тук кўп бўлиши), тана тузилиши эркаксимон;
- кеч (12 ҳафтадан кейин) хомилдорлик назоратига олиниши:
- генетик (ирсий)факторлар:шу жумладан -Ҳомилдор ўзида, аждодида, эрини қариндошлари орасида ирсий (шунингдек Даун, фенил кетонурия...) Касали борлиги; олдинги фарзандларида шу каби ирсий касалликлар мавжудлиги. Ирсий кон ивиш касалликлари (гемофилия, тромбоцитар пурпура- Верельгофа, Шейн-генлох ёки бошқа генетик касалликлар борлиги...

II. Акушер-гинекологик анамнез:

- хайз циклининг бузилиши : эрта (м: ҳар 15-20... кунда бир), кеч(м: ҳар 30 кун ёки ундан кўп кунда бир келиши), биринчи хайз 16 ёки ундан кейин бошланиши.
- ички жинсий органлар касалликлари: туғруқ йули ёки бачадон, тухумдон, найчадаги операциялар, бачадон миомаси, бачадон буйни етишмаслиги, шу соҳа ўсмаси,
- бачадон туғма касаллиги(м:икки шохли, деформацияланган, етилмаган-инфантил.бачадон.)
- узок вақт бефарзандлик (туғма, ортирилган , бирламчи ва иккиламчи сабаблар);

- труба ўтказувчанлиги бузилиши, хомила тушиши сабабли фарзандсизлик...олдин қилинган 2-3 абортлар сабабли фарзандсизлик);
- олдинги хомиладорликда кесар-кесил операцияси ўтказилгани, бола тушган ёки ўлик туғилган, ривожланмай қолган, она қорнида нобуд бўлгани ёки бошқа сабабли абортлар...
- олдинги бола тушуш ёки аборт вақтида қон кетишлар, йирингли –септик яллиғланишлар, кесар кесил операцияси бўлган, дори (таблетка) билан туширилган;
- олдинги хомиладорликдаги туғма нуқсонлар(туғма юрак парогли, туғма юз нуқсонлари (куён лаб, бўри танглани), гидроцефалия, орка мия чурраси, акрания- бош суягисиз, ацефалия- бош миясиз, шиклопия-бир кўз, кўл ёки оёқсиз, бош ва буйинни тутмаслик,юрмаслик,), туғма қар ва сақовлик; туғма кўз касалликлари (катаракта, гилайлик, трахома, миопия, ...); туғма суяк ва мушак дистрофик касалликлари; туғма қул ва оёқ қисмлари тўлиқ ёки қисман йўқлиги, туғма қўл ва оёқ бармоқлари қамлиги ёки қўплиги, туғма буйин қийшиқлиги ёки маймоқлик...
- олдинги фарзанди оғирлиги 2500 гр кам ёки 4000 гр дан катта туғилиш;
- олдинги фарзандида неврологик ёки психик ривожланишдан белгилари мавжудлиги;

III. Экстрагенитал касалликлар:

- хомиладорликдан олдин ёки хомиладорлик вақтида инфекцион касалликлар билан оғирган: вирус (грипп ва ЎРВИ(ОРВИ- факат хомиладорлик вақтида), ТОРЧ инфекция (цетомегаловирус, герпис, тосаплазмоз,хламидиоз) вирусный гепатит, ВИЧ-инфекция;
- краснуха-кизилгача... кизаммик), бактериал (сил-туберкулез, сифилис –захм, гонорея-сузак, ...),
- эндокрин: қандли диабет, қалқонсимон без к-ти-буқок, жинсий гармон баланси бузилиши;
- туғма ёки ортирилган қон ва қон ишлаб чиқувчи органлар касалликлари: анемия-қамқонлик, -қон ивиш к-лиги-қаутилопатия, тромбозитопатия; реузус фактор ва группа тўғри келмаслиги;
- қон айланиши ва юрак туғма ва ортирилган нуқсонлари, гипертония- қон босими ошishi, гипотонияқон босими тушиши, юракнинг миокард, эндокард,перикард касалликлари бўлган;
- аутоиммун касалликлар: системали кизил волчанка, ревматизм, полиартритлар мавжудлиги;
- психологик : психоз, шизофрения, олигофрения-ақлий бузилишлар, шахс- интелект бузилишлар.
- бош мия қон айланиши бузилиши, тутқаноқ(эпилепсия),бош мия ўсмаси, менингоэнцефалит, миелит. Мияга қон қуйилиши-инсулт, мианинг бошқа органик касалликлари...;
- туғма ёки ортирилган кўз касалликлари: гилайлик, катаракта, миопия...си бўлган;
- нафас касалликлари : бронхал астма, пневмония, бронхэктазия, ўпкаси операциясидан КХ;
- барча аллергия касалликлар...
- буйрак ва сийдик ажратиш касалликлари: гидронефроз, пелонефрит, гломурулонефрит, ягона буйрак, сийдик тош к-ти, буйрак сили, буйрак раки, буйрак поликистози..., оёқларда шш бор;
- жигар касаллиги (гепатит ва церроз..эхенококкоз, ўсма ўт тоши, портал гипертензия) бор;
- олдинги хомиладорликда экстрагенитал касаллиги билан кечган хомиладорлар.
- Ушбу хомиладорликда токсикознинг ўрта оғир ёки оғир кечиши, эклампсия... ,

IV. асоратланган хомиладорлик:-Шу хомиланинг олдинги УЗД текширувида аниқланган хомила суви миқдори кўп ёки қамлиги, мекониял (ифлос) сувлик;

- Шу хомила олдинги УЗД да плацента(йўлдош)нинг паст жойлашуви ёки йўлдош қучиши бўлган; ФПН- Фетоплацентар етишмовчилик ; қиндикнинг бола буйнидан ўралганлиги...
- ЭКО (экстракорпорального оплодотворения)- сунъий уруғлантириш бўлганлиги;
- Шу хомила олдинги УЗД текширувида бирор туғма нуқсон ёки ўзгариш аниқлангани.

V.хомила ҳолати: хомила думбаси ёки қундаланг келиши...;

Хомила муддати(УЗД- фетометрияси)нинг ҳайз цикли муддатига тўғри келмаслиги;

-хомила гипоксияси, гипотрофияси аниқлангани...

-Бошқа аниқланган ҳолатлар:

-Битта йулданма билан 3 марта скрининг текшируви дан ўтилади ва охирида ак- гинекологга топширилади.

врач мавжуд касаллик белгиларга қарши профилактик чоралар кўради ва қаргасига ёпиштиради.

№ ___ ОП ак- гинеколог _____ (телефон рақами _____)

имзоси ФИО

врач ак- гинеколог шахсий муҳри

Фойдаланилган адабиётлар

1. Современные алгоритмы пренатальной диагностики наследственных болезней: методические рекомендации Авторы: Владислав Баранов, Эдуард Айламазян. 2017 Издатель: [ЛитРес](https://www.google.co.uz/books/edition) <https://www.google.co.uz/books/edition>.

2. Моя счастливая беременность. Настольная энциклопедия. Авторы: [Жак Лансак](#) · 2018 Издатель: [ЛитРес](#) <https://www.google.co.uz/books/edition>
3. Пренатальный комбинированный СКРИНИНГ 1-го триместра: 12 (11-13,6) недель беременности OSCARПренатальный, или дородовый скрининг OSCAR (One Stop Clinic for Assessment of Risk for fetal abnormalities) <https://women.sadkomed.ru/ginekologicheskoe-otdelenie/prenatalnyi-kombinirovannyi-skrining-oskar>.
4. <https://www.vokpc1.ru/patsientam/napravlenным-v-polikliniku/pravila-podgotovki-k-diagnosticheskim-issledovaniyam.html>.